

## ҚАҲРАМОНЛИК ДОСТОНЛАРИДА “ЖАСОРАТ” ФЕНОМЕНИНИНГ УЙГОНИШ ДИНАМИКАСИ

### ДИНАМИКА ПРОБУЖДЕНИЯ ФЕНОМЕНА “МУЖЕСТВО” В ГЕРОИЧЕСКИХ ДАСТАНАХ

### THE DYNAMICS OF AWAKENING THE PHENOMENON OF “COURAGE” IN HEROIC EPICS

*Бобур ЭЛМУРОДОВ,*

*Қуролли Кучлар академияси мустақил изланувчиси*

*[bobur.elmurodov@gmail.com](mailto:bobur.elmurodov@gmail.com)*

Ҳар қандай даврда ҳам халққа руҳий озуқа бера оладиган күч – бу унинг ўз шонли тарихи ва фольклор достонлари эканини ҳисобга олсак, уларни чукур ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали унутилиб бораётган жанговар руҳ ва анъаналарни жонлантириш имконияти пайдо бўлади.

*Бу борада фольклоршунос олим Жаббор Эшонқул бир сұхбатида шундай деган эди: ...Жеймс Жойс ярми ҳазил, ярми чин аралаш мабодо Дублин шаҳри ер юзидан йўқолиб кетса, менинг “Улисс” романимга қараб уни қайта тиклаш мумкин, деган гапни айтган. Худди шундай бизда қадимий урф-одат ва анъаналаримизнинг унутилган узвларини «Алпомиш»га ўхшаш эпос матнига қараб тиклаб олиш имконияти мавжуд.*

Халқ достонларининг муҳимлилик даражаси айниқса Иккинчи жаҳон уруши йилларида тобора кучайиб борди. Чунки жангчиларни ватанпарварлик ва қаҳрамонлик руҳида тарбиялаш қўшин психологиясининг муҳим бўлаги ҳисбланиб, бунда фольклор асарларининг ўрни бекиёс эди. Ўша йиллари қаҳрамонлик достонлари пешма-пеш нашр этилди, *В.М. Жирмунский* ва *Х. Зарифов* ҳамкорлигидаги “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” китоби тайёрланиб, Москвада нашрдан чиқди (Ушбу китобнинг муфассал баёни 1958 йилда Германияда немис тилида ҳам босилиб чиқди).

Ушбу фольклор асарларининг дунё юзини кўришидан асосий мақсад жангчиларда ватанпарварлик туйғусини уйғотиш, уларни руҳий-психологик таъминотини мустаҳкамлаш каби зарурий вазифаларни ўз ичига олар эди. Ўша давр манбалари ўрганилганда жанг қилиш, қаҳрамонлик кўрсатиш, фашистни янчишга чорловлар ижодкорлар томонидан турли усусларда олиб борилиб, улардан энг кенг тарқалгани фольклор жанридаги айтимлар экани аён бўлади.

1977 йилда чоп этилган “Ўзбек жангномаси” китобида Муҳаммаджон Кўшмоқов муаллифлигидаги “Улуғ Ватан уруши даври фольклоридан лавҳалар”

номли мақолада шундай айтимлардан парчалар келтирилади. Унда шоир достон айтмоқдан мурод – кишиларни маънан юксалтириш, ҳалқнинг қаҳрамонлик анъаналари руҳида тарбиялаш эканини таъкидлайди:

*Биз айтамиз неча турли достонди,  
Бу достонлар бизга боғу бўстондир.  
Эшиглар кўнглин ботир қилмоққа,  
Мақтамиз Алпомии, Гўрўғли арслонни.*

Шоир сўзида давом этар экан, ўтмиш маданий меросини чуқур ўрганиш, қаҳрамонлар номи ва уларнинг жасоратини мадҳ этиш янги замон кишисини тарбиялашда катта роль ўйнашини айтиб ўтади.

*Мақсадимиз улар отин билмоқдир,  
Мақсадимиз завқи сафо қилмоқдир,  
Айтиб бурунги ботирлар исмини  
Совет гражданин ботир қилмоқдир.*

Шу тариқа халқ шоирлари анъанавий достонларни куйлаб, кишиларимизнинг кўнглини ботир қилдилар, социалистик ватан ҳимоясига отлантирилар, дейилади мақолада.

Хўш, нега халқ ботирлигини ўйғотиш учун айнан достонларга мурожаат қилинди? Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида достон қаҳрамонларининг ўлимга тик боқа олиши, Ватан тинчлиги йўлидаги жангларда олд сафларда бўлиши, шу билан бирга, достон қаҳрамонларининг идеал кучга эга бўлганини келтириш мумкин. Айниқса, жангнома асар қаҳрамонларига хос бўлган хислатлардан бири уларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий масалалар, халқларнинг ўзлари яшаётган худуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб боришида кўринади.

“Алпомиш” достонида Ҳакимбекнинг дунёга келиш тасвирига эътибор қаратсак, чақалоқ туғилган маҳал дастлаб Шоҳимардон пир боради, исмини Ҳакимбек қўйиб, ўнг эйнига беш панжа уради. Пирнинг тарбиятидан сўнг қаҳрамон ўтда куймас, қиличда чопилмас, милтиқ ўқи ўтмас даражага етади.

Достонда бу ҳолни исботловчи кўплаб лавҳалар бор. Хусусан бир ўринда: “Ураётир, қилич, олмос, Ҳеч бир исфиҳон кор қилмас”, дейилса, бошқа таърифда: “Ўққа тутади қалмоқлар, Ўқи ботмай бундан қайтар,” қабилида изоҳланади.

Дарвоқе, Иккинчи жаҳон урушининг биринчи кунлариданок, халқ шоирлари дўмбиралари қудратини ёвга қарши қаратдилар. 1941 йили нашр этилган жанговар Ватан учун шеърлар тўплами Фозил Йўлдош ўғлининг “Армиям”, “Жаҳон тинглагай” термалари билан очилади. Бу тўпламда Ислом шоир Назар ўғли уч термаси билан қатнашади. “Нарпайлик колхозчи Йўлдош ота, унинг учувчи ўғли Пўлат, ўқувчи ўғли Темур ҳақида”, “Мудофаа фонди”

каби термалари ҳозиржавоблиги, ижтимоий фаоллиги билан ажралиб турар эди. Ислом шоир ўзбек адабиётида биринчилар қатори ўз ўғлини Ватан учун, Адолат ва Озодлик учун бўладиган урушга юбораётган ота образини чизиб берди.

*Ариза бер Қизил қўшин сафига...*

*Белинг маҳкам бойла халқнинг нафига...*

“Мудофаа фонди” социалистик Ватан ҳимоясининг жарчиси бўлган таъсиран термалардан бири, десак янглишмаган бўламиз. Эл билан эр бошига иш тушганда, улар билан бирга аёллар ҳам этик ечмай сув кечди. Жабҳа билан мамлакат ичкариси бир-бирига мадад бериб турди. Куйидаги термага эътибор қаратамиз:

*Орден олибсиз, ёрим.*

*Озодлик урушида.*

*Мен ҳам орденлик бўлдим.*

*Колхозимиз ишида.*

*Гул барги танга-танга,*

*Эрим йўлладим жангга.*

*Қай жангчидан қолишай,*

*Жоним фидо Ватанга!*

Бу ўша даврда хотин-қизларнинг урушга бўлган чексиз нафрати ва жасорати эди.

“Алпомиш” достонида Қалдиргоч акаси Алпомишни кўзини очиб, қалбини уйғотиб, мардлик томирларини қўзғатган бўлса, аёллар ҳам ўз эрларини, акаларини шу тарзда “Бойчибор”га миндириб, жангга кузатар эди:

*...Аскарликка, ақажоним, бориб кел,*

*Раҳм этмай, душманларни қириб кел,*

*Юртга кириб, элни вайрон этмасин,*

*Мардлик билан Қизил Юлдуз олиб кел.*

Опа-сингиллар акалари ёнида фашизмга қарши ҳар қандай даҳшатли жангга киришга ҳам руҳан тайёр эдилар. Буни қуйидаги сатрлардан ҳам сезиш қийин эмас:

*Фронтларга борсам, акам ёнина,*

*Ўтлар ёқсан душманларнинг жонина,*

*Бешотарнинг бир тилчасин босганда,*

*Кошки қолсам мингтасининг қонина.*

Жасорат тушунчаси моҳиятида ватанпарварлик тушунчаси ётар экан, бу туйгуни шаклланишида энг аввало, жамиятнинг маънавий-ахлоқий иқлими, миллатнинг тарихий илдизлари, юксак эзгу мақсадлар ва мафкуравий муносабатлар ўзига хос ўрин тутишини таъкидлаш зарур.

Ҳозирги кунга қадар ватанпарварлик тушунчасининг аниқ тавсифи, мазмун-моҳияти илмий ва қомусий адабиётларда ҳам тўла ўз аксини топмаган. Буни ушбу атаманинг мураккаб табиати, намоён бўлиш шаклларининг хилма-хиллиги ва бошқа кўплаб факторлар билан изоҳлаш мумкин.

Аксарият изоҳларни умумлаштиrsак, ватанпарварлик – кишиларнинг туғилиб ўсган ерига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган кенг қамровли тушунча. Ватанпарварлик маънавий, ахлоқий ва ижтимоий-маданий таркибий қисмларга асосланган шахснинг ижобий хусусиятларининг бутун мажмуасини шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутади.

Бугунги кунимизда ҳам жисмоний ва маънавий етуклик ҳарбий хизматчиларимиз олдида турган асосий вазифа эканини ҳисобга олсақ, ботирлик, қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва алплик асрий достонларимизнинг асосий ўзагини ташкил этиши кундай равшанлашади.